

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ ЛОЙИХАЛАРИ РИСКЛАРИ

Атаниязова Максуда Балтабаевна

Тошкент Амалий фанлар Университети,

Умумиктисодий фанлар кафедраси мудири, Ўзбекистон, Тошкент

maksuda.ataniyazova@mail.ru

orcid 0009-0000-9403-6693

Аннотация: Мақолада давлат-хусусий шерикликни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг принципларидан келиб чиқиб, лойиҳаларни амалга оширишда учраши мумкин бўлган рисклар таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, ушбу масалаларнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш натижасида рискларнинг турлари таснифи келтирилган ҳамда рискларни олдини олиш ва юмшатиш бўйича муаллиф томонидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, рисклар, ДХШ лойиҳаси, рискларни бошқариш.

РИСКИ ПРОЕКТОВ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА

Аннотация: На основе принципов организации и развития государственно-частного партнерства в статье анализированы риски, которые могут возникнуть при реализации проектов. Также в результате исследования теоретических аспектов данных вопросов представлена классификация видов рисков и разработанные автором научно обоснованные предложения и рекомендации по предупреждению и снижению рисков.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, риск, ГЧП-проект, управление риском.

RISKS OF PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP PROJECTS

Annotation: Based on the principles of organization and development of public-private partnership, the article analyzes the risks that may arise during the implementation of projects. Also, as a result of the study of the theoretical aspects of these issues, a classification of types of risks and scientifically based proposals and recommendations developed by the author for the prevention and reduction of risks are presented.

Keywords: public-private partnership, risk, PPP project, risk management.

Ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибаси, муваффақиятли ишбилармонлик муҳити, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ўрни ва аҳамиятли жуда муҳимдир.

Иқтисодий беқарорлик шароитида мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашнинг ҳал қилувчи омили бўлган инфратузилмани ривожлантириш, инновацион фаолиятни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу воситалардан бири давлат-хусусий шериклигидир (ДХШ). Бу миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш учун қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш, давлат ва бизнеснинг кадрлар ва бошқарув ресурсларини бирлаштириш имконини беради. Ўз навбатида ДХШ институтини ривожлантириш зарурати бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- инфратузилмани ривожлантириш иқтисодий ўсишга туртки бўлади;
- келажакда бюджет харажатларини оптималлаштирилиши;

– бизнес вакилларининг инфратузилмани ривожлантиришдаги лойиҳаларда иштирок этиш манфаатдорлиги пастлиги;

– инфратузилма тармоқларида асосий воситаларнинг юқори даражада эскириши ва умумий инфратузилма харажатларини ошириш зарурати.

ДХШ лойиҳаларининг самарадорлиги юқорилиги ва давлат, жамият ва хусусий бизнес вакиллари учун аҳамияти юқорилигига қарамасдан ушбу лойиҳаларни амалга оширишдаги риск ва хатарлар мавжудлиги уларни ривожлантиришда маълум тўсиқлар мавжуд бўлишига олиб келади.

Риск ҳар қандай бизнес соҳасида мутлақ ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, одатда у тадбиркорлик фаолияти натижаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ноаниқлик ҳолати сифатида аниқланади.

ДХШ лойиҳасида риск – бу лойиҳа кўрсаткичларини илгаридан белгиланган параметрларга эриша олмасликка сабаб бўлиши мумкин бўлган эҳтимолий жараёнлардир. Бу каби муаммоларни ДХШ доирасида ечишнинг мумкин бўлган йўналишларидан бири муҳим аҳамиятли лойиҳалар учун рискни давлат тузилмалари ва хусусий тадбиркор тенг равишда ўз зиммасига олишидир. Бунда улар ўзаро хавф-хатарни бўлиши учун шерик бўладилар.

Таъкидлаш лозим, ДХШ лойиҳалари учун анъанавий лойиҳаларга хос бўлган кўплаб рисклар учраши мумкин: умумиқтисодий рисклар; маркетинг фаолияти бўйича рисклар, яъни товар нархининг пасайиши ёки реализация қилиш ҳажмининг камайиши ҳисобига; лойиҳа бюджетининг ошиш rischi ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Олимлар турли хил рискларни ажратадилар ва рискларни ҳар хил таснифлайдилар. Дастлабки ёндашувлардан бири Дж.Кейнсга тегишли бўлиб, у ўзининг «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асарида рискларни асосий уч турга ажратади: кредит rischi, «қарз берувчи» ва тадбиркорлик rischi [6].

ДХШ лойиҳаси учун қуйидаги категориялар бўйича рискларни ажратиш мумкин: сиёсий; молиявий; маъмурий; техник; тижорат.

Айрим рисклар давлат масъулияти соҳасида бўлиб уларга куйидагиларни киритиш мумкин: сиёсий, ҳуқуқий, баъзи техник ва молиявий рисклар. Тадбиркорлик фаолияти тижорат, техник ва молиявий рискларни бошқаришга йўналтирилган. Макроиктисодий даражадаги рискларни давлат ўз зиммасига олса, хусусий сектор ўз зиммасига микроиктисодий рискларни олади.

Республикада ДХШ лойиҳаларига тегишли бўлган барча асосий рискларнинг умумий тавсифига кўра, уларни юқорида келтирилган категорияларга ажратиш ва ДХШнинг қайси бир томони у ёки бу рискни ўз зиммасига олишини қараб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдаги асосий рисклар¹

Риск турлари	Рискларнинг номланиши
Сиёсий	Сиёсий конъюнктуранинг ўзгариши: ҳокимиятдаги ўзгаришлар; ижтимоий вазият; ҳукумат даражасидаги коррупция, қонунчилик тизимидаги ўзгаришлар. Шартнома лойиҳасини қайта кўриб чиқиш rischi.
Молиявий рисклар	Валюта курсининг кескин ўзгариши. Инфляция даражасининг ошиши. Қайта молиялаштириш ставкасининг кескин ўзгариши.
Маъмурий рисклар	Тегишли лицензия ва рухсатномаларни олишдаги рисклар
Техник рисклар	Қурилиш рисклари: режалаштириш rischi; қурилиш материаллари нархининг кескин ошиб кетиши; форс-мажор ҳолатлар. Нархнинг ўзгариши rischi, эксплуатация rischi. Хизматларни тақдим қилиш rischi: хизматлар сифати; эксплуатацион харажатлар қийматининг ошиши. Экологик ва табиат рисклари.
Тижорат рисклари	Талаб rischi, эксплуатация rischi – эксплуатация харажатларининг ошиши, харидор rischi, етказиб берувчи rischi. Лойиҳанинг тугалланмаслиги rischi.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тадқиқот жараёнида ДХШ лойиҳаларни режалаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рискларнинг бир нечта муҳим бўлган турларини таснифини келтирамиз:

1) Давлат рисклари.

2) Бизнес билан боғлиқ рисклар.

3) Жамият рисклари, хусусан, жамиятда юз бериши мумкин бўлган тартибсизликлар, норозиликлар ҳамда халқаро ва жамоат ташкилотлари рисклари.

ДХШ лойиҳалари иштирокчиларининг асосий вазифаларидан бири – бу рискларни таснифлаш, баҳолаш ва тақсимлашни ўз ичига олувчи рискларни бошқариш вазифаси ҳисобланади. Рискларни бошқариш лойиҳанинг бутун ҳаётий цикли давомида амалга оширилади ва ўз олдига рискларнинг хусусиятини аниқлаш ва идентификациялаш, уларни юзага келишининг олдини олиш ҳамда уларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш мақсадини қўяди.

Ҳар қандай лойиҳа рискни бошқариш услубларининг чегараланган сони мавжуд:

1) давлат зиммасига оладиган рисклар;

2) лойиҳа компаниялари зиммасига юкланадиган ва узатиладиган рисклар;

3) лойиҳа компаниясига юкланадиган ва кейин учинчи шахс ўртасида қайта тақсимланадиган рисклар: а) компенсация асосида пудратчиларга ўтади; б) суғурта компаниялари томонидан суғурталанади; в) кафилларнинг кафолати олинади.

4) Концессия рисклари якуний хизматлар учун юқори тўловлар (service fees)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга лойиҳа компанияси орқали охириги истеъмолчиларга ўтказилиши мумкин.

ДХШ лойиҳаларини бошқариш доирасида рискларни бошқаришнинг қуйидаги босқичларини келтириш мумкин:

1. Лойиҳа рискларини аниқлаш ва таснифлаш.

2. Рискларни баҳолаш.

3. Рискларни тақсимлаш. ДХШ лойиҳаси доирасида келишувлар натижасида аниқ рискни энг яхши кўринишда ёпиши мумкин бўлган субъект танланади.

4. Рискларни юмшатиш. Бунда муайян рискларни суғурталаш функцияларини ўз зиммасига оладиган суғурта компанияларини жалб қилиш назарда тутилади.

5. Рискларни доимий назорат қилиб бориш.

ДХШда рисклар ва даромадларнинг атрофлича тақсимланиши иқтисодиёт сектори, бозор ҳолати ва шакли ҳамда маҳаллий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда фарқланади. Хусусий ҳамкорлар ва давлат ўртасида ҳуқуқлар, масъулият ва мажбуриятларни самарали тақсимлашнинг асоси бўлиб, мақсадларни аниқ ифодалаш ҳисобланади. Улар одатда қуйидагича тақсимланади:

– асосий маъмурий тартиблар, умумий режалаштириш ҳамда форс-мажор жараёнидаги жавобгарлик одатда давлат зиммасига юкланади;

– ДХШ лойиҳаси доирасида объектларни тўлиқ режалаштириш, қуриш, молиялаштириш ва бошқариш аксарият ҳолларда хусусий сектор зиммасига тушади.

Лойиҳаларда рискларни атрофлича қараб чиқиш мақсадида давлат ўз зиммасига олувчи махсус ДХШ рискларини таснифлаш имкони мавжуд.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, ДХШ лойиҳасини амалга оширишда ҳар бир томон рискларни тақсимлаш юзасидан ўзаро келишиб олишдан манфаатдор бўлади, деган хулосага келиш мумкин:

– бозор конъюнктурасига асосланган ҳолда оператив тарзда битимни тузиш ва уни ўз вақтида молиявий яқунлаш, харажатларни минимумгача тушириш;

– ДХШ лойиҳасини реализация қилиш жараёнида пайдо бўладиган мавжуд рискларни бартараф этишга кўмаклашиш;

– олдиндан прогноз қилиб бўлмайдиган ўзгаришлар содир бўлган шароитда ҳамкорларни самарали келишиши учун лойиҳани реализация қилишнинг бутун даври мобайнида шартномани такомиллаштириб бориш имконини яратиш.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида давлат томонлар ўртасида рискларни тақсимлаш шартларини ва ДХШни амалга ошириш доирасида масъулият соҳаларини аниқ белгилаши муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони //Янги Ўзбекистон. – 2022. www.lex.uz
2. Джуманиязов У.И. «Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий масалалари» // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 2017 йил № 3, май-июнь, 9-б.
3. Кришталь В. В. и др. Государственно-частное партнерство как механизм привлечения инфраструктурных инвестиций: проблемы внедрения и снижение рисков //Вестник гражданских инженеров. – 2020. – №. 5. – С. 223-232.
4. Салаев С., Абдикаримова З. Давлат-хусусий шериклик инновацион ҳамкорлик модели: мазмуни, фарқли жиҳатлар ва асосий белгилар //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 10. – №. 6. – С. 97-107.
5. Семенова Н. Н. Риски государственно-частного партнерства //Россия: тенденции и перспективы развития. – 2020. – №. 15-1. – С. 363-366.
6. Dow S. Risk and uncertainty //The Elgar Companion to John Maynard Keynes. – Edward Elgar Publishing, 2019. – С. 255-261.
7. Link A. N., Scott J. T. Public/private partnerships: stimulating competition in a dynamic market //The social value of new technology. – Edward Elgar Publishing, 2019. – С. 94-125.